

## КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Каримкулов Жасур Имомбоевич**

Тошкент молия институти, и.ф.д, профессор

**Абдуқахоров Бекзод Ўткир ўғли**

Тошкент молия институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7297816>

**Аннотация.** Маколада кичик саноат зоналарига тадбиқ этилаётган солиқ имтиёзларининг мазмун-моҳияти, уларни қўллашнинг амалдаги ҳолати тахлили, имтиёзларни қўллаш амалиётида кузатилаётган баъзи мунозарали ҳолатлар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** имтиёзлар, кичик саноат зоналари, эркин иқтисодий зона, тўғридан-тўғри инвестициялар, солиқ ставкаси, қулай бизнес муҳити, солиқ тўловчилар, солиқ базаси, хорижий сармояларни ва самарадорликни ошириш учун солиқ имтиёзлари

## ЗНАЧЕНИЕ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТОВ ДЛЯ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН В ПОВЫШЕНИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ

**Аннотация.** В статье анализируется содержание налоговых льгот, применяемых к малым промышленным зонам, анализ современного состояния их применения, некоторые спорные случаи, наблюдаемые в практике применения льгот.

**Ключевые слова:** льготы, малые промышленные зоны, свободная экономическая зона, прямые инвестиции, налоговая ставка, благоприятная деловая среда, налогоплательщики, налоговая база, иностранные инвестиции и налоговые льготы для повышения эффективности.

## THE IMPORTANCE OF TAX BENEFITS USED FOR SMALL INDUSTRIAL ZONES IN INCREASING INVESTMENT ACTIVITY

**Abstract.** The article analyzes the content of tax benefits applied to small industrial zones, the analysis of the current state of their application, some controversial cases observed in the practice of applying benefits.

**Keywords:** tax benefits, small industrial zones, free economic zone, direct investment, tax rate, favorable business environment, taxpayers, tax base, foreign investment and tax incentives to increase efficiency

## КИРИШ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлаш, ижтимоий химоялашни ташкил этиш каби устувор вазифалар амалга оширилмокда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришишнинг муҳим йўналишларидан бири хорижий инвестицияларни фаол жалб этишдир. Зеро, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб этилиши ишлаб чиқаришни модернизациялашга, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқишга, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, аҳолини иш билан таъминлашга имконият яратади. Мамлакатимизда инвесторлар, айниқса хорижий

инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити натижасида йилдан-йилга иқтисодийликка жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хорижий иқтисодий адабиётларда эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари фаолияти борасида Т.Farole, J.Zhan, И.Шаблинский, Р.И. Зименков, К.Yeongjin томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолалар ва мақолаларида инвестицияларни жалб қилиш масалалари ўрганилган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикамиз иқтисодчи олимлари А.В.Вахабов, С.С.Мирзалиева, Ш.Х.Хажикаев, Н.Г.Муминов, Ж.Каримқулов, М.А.Раимжонова, С.С.Бозаровларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган ва ўрганилган.

Юқоридаги олимлар томонидан яратилган иқтисодий адабиётларда эса эркин иқтисодий ҳудудларга турлича таъриф берилган. Хусусан рус иқтисодчиси Р.И. Зименков ўзининг “Махсус иқтисодий зоналар” номли китобида “... Кичик саноат зонасини ташкил этиш жараёни яширин субсидиялаш усули эмас, балки иқтисодий модернизация қилиш ва мамлакатга хорижий инвестиция капитални жалб қилиш воситасига айланиши кераклигига эътибор қаратади, индивидуал лобби гуруҳлари ва тўпланган капитални чет элга олиб чиқиш имкониятини яратади” [4] сифатида баҳолайдилар.

Кичик саноат зоналари моҳиятининг энг кенг қамровли таърифи иқтисодчи олим профессор А.М.Басенко томонидан тақдим этилган бўлиб, у мазкур ҳудудий-хўжалик субъектларига қуйидагича таъриф беради: “...сифатли хусусиятларнинг уйғунлиги туфайли имтиёзли валюта-божхона режимига ва солиқ имтиёзларига эга бўлиш”.[9]

Иқтисодчи олимлар томонидан эркин иқтисодий ҳудудлардаги имтиёзли тартиб ва маъмурий бошқарув соҳасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда турлича ёндошилади.

Солиқ имтиёзлари бўйича Александровнинг фикрича, солиқ имтиёзи – солиқ тўловчига (субъектига) бошқа солиқ туловчига нисбатан солиқ миқдорини камайтириш ёки афзаллик тақдим этиш деб тушинилади[5].

А.Вахабов, Ш.Х.Хажикаев, Н.Муминовларнинг фикрича, кичик саноат зоналари – бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодий амал қиладиган чегараланган ҳудуд[3].

Солиқ имтиёзлари борасида А.Жўраев ва Ш.Тошматовларнинг таърифига кўра солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил энгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин[6].

Ушбу мақолада статистик кузатув, вербал шарҳлаш, тизимлаштириш ва таснифлаш, илмий абстракциялаш каби тадқиқот усуллари қўлланилган. Илмий мақолада келтирилган статистик маълумотларни тўплаш, уларни тизимлаштириш ва шарҳлашда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси маълумотларидан фойдаланилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, хорижий инвесторлар учун солиқ ва божхона сиёсатини юритиш яъни улар учун солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш бўйича юртбошимиз томонидан таркибий ислохотлари жадал суръатлар билан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, макроиқтисодий барқарорликни характерловчи кўрсаткичлардан бири мамлакатда ўзлаштирилаётган

инвестициялар миқдоридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида инвестицияларнинг иктисодиётни барқарор ўсишини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти қуйидагича эътироф этилди: “Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаол, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим. Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Мамлакат резидент ва норезидентлари етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур[1]”.

Иктисодий ислохотлар даврида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлик ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва улардан фойдаланишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иктисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим дастак сифатида фойдаланади;

- имтиёз бериш орқали бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради.

1-расм.

### Солиқ имтиёзларининг турлари [7]



Юқоридаги расмда кўриб турганимиздек солиқ имтиёзлари 3 турга бўлинади ва улар қуйидагича таърифланади:

- солиқдан бутунлай озод этиш (бунда алоҳида юридик ва жисмоний шахслар, уларнинг даромадлари, мол-мулклари, ер майдонлари ва бошқа солиққа тортиладиган объектлари солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинади);

- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш; (бунда алоҳида фаолият турларини амалга ошириб, даромад оладиган шахслар, уларнинг даромадлари ёки бошқа солиққа тортиладиган объектлари вақтинча ёки қисман солиқ тўлашдан озод этилади);

- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган; (бунда айрим юридик ва жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади маълум бир мақсадларга, масалан, янги ишлаб чиқариш ускунани харид қилишга ёки таълим олиш учун контракт тўловини қоплашга йўналтирилган маблағлар қисмида камайтирилади)

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 8 та кичик саноат зоналари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод ва Яккасарой КСЗлари.

Таҳлилий маълумотга асосан, кичик саноат зоналарида:


- жами ер майдонлари 146,1 (га);
- ишлаб чиқариш майдонлари 753 158,7 (кв.м.);
- бўш ер майдонлари 1,1 (га);
- бўш ишлаб чиқариш майдонлари 3 569,07 (кв.м)

Бугунги кунда, танлов якунлари бўйича 647 та лойиҳалар ғолиб деб топилган бўлиб, ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 1,13 трлн. сўмлик инвестициялар (жумладан 704,1 млрд. сўм ўз маблағлари, 341,8 млрд.сўм банк кредити, 9,95 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар) ўзлаштирилиб, 12 734 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Шундан, бугунги кунга қадар, кичик саноат зоналар ҳудудида 619 та лойиҳа амалга оширилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 836,8 млрд. сўмлик (жумладан 560,8 млрд.сўм ўз маблағи, 216,1 млрд.сўм банк кредити, 6,87 млн. АҚШ доллар хорижий инвестициялар) ўзлаштирилган ҳамда 11 908 та янги иш ўринлари яратилган. Тошкент шаҳрининг 8 та кичик саноат зоналарида 622 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳалар доирасида 2020 йил январ-май ойларида 320,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Жумладан импорт ўрнини босувчи 23,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Экспорт ҳажми 7,36 млн. доллардан иборат. Ҳозирда Тошкент шаҳар кичик саноат зоналарида 28 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар умумий қиймати 301,0 млрд.сўм (жумладан 145,5 млрд. сўм ўз маблағи, 125,8 млрд. сўм банк кредити, 3,1 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар). Лойиҳалар кўра 826 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Бектемир кичик саноат зонасида, ҳозирда 12 та лойиҳа амалга оширилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 26,0 млрд. сўмлик (жумладан 16,5 млрд.сўм ўз маблағи, 2,6 млрд.сўм банк кредити, 0,8 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар) инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 452 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 27,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Ҳозирда ҳудудда бўш 300 кв.м. ер майдон ва 82 кв.м. бино-иншоот мавжуд. Мирзо Улуғбек кичик саноат зонасида, ҳозирда 42 та лойиҳа амалга оширилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 240,7 млрд. сўмлик (жумладан 103,6 млрд.сўм ўз маблағи, 90,2 млрд.сўм банк кредити, 5,4 млн. АҚШ доллар хорижий инвестициялар) инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 1398 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 35,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Жорий даврда ҳудудда бўш 1 га ер майдони мавжуд. Сергели кичик саноат зонасида, ҳозирда 80 та лойиҳа амалга оширилган, ва ушбу лойиҳалар доирасида 41,3 млрд. сўмлик (жумладан 40,6 млрд.сўм ўз маблағи, 0,7 млрд.сўм банк кредити) инвестициялар ўзлаштирилган, ҳамда 1026 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 11,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Учтепа кичик саноат зонасида, ҳозирда 10 та лойиҳа амалга оширилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 60,9 млрд. сўмлик (жумладан

48,1 млрд.сўм ўз маблағи, 12,8 млрд.сўм банк кредити) инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 166 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 1,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Чилонзор кичик саноат зонасида, ҳозирда 27 та лойиҳа амалга оширилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 123,1 млрд. сўмлик (жумладан 84,6 млрд.сўм ўз маблағи, 38,5 млрд.сўм банк кредити) инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 645 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 11,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Юнусобод кичик саноат зонасида, ҳозирда 96 та лойиҳа амалга оширилган, ва ушбу лойиҳалар доирасида 42,1 млрд. сўмлик (жумладан 33,8 млрд.сўм ўз маблағи, 8,3 млрд.сўм банк кредити) инвестициялар ўзлаштирилган, ҳамда 695 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 10,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда ушбу ҳудудда бўш 0,1 га ер майдон мавжуд. Яккасарой кичик саноат зонасида, ҳозирда 303 та лойиҳа амалга оширилган, ва ушбу лойиҳалар доирасида 163,3 млрд. сўмлик (жумладан 145,2 млрд.сўм ўз маблағи, 16,1 млрд.сўм банк кредити, 125 минг АҚШ доллар хорижий инвестициялар) инвестициялар ўзлаштирилган, ҳамда 6 676 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 183,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда ҳудудда бўш 3487,07 кв.м. бино-иншоот мавжуд. Олмазор кичик саноат зонасида эса ҳозирда 49 та лойиҳа амалга оширилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 143,1 млрд. сўмлик (жумладан 105 млрд.сўм ўз маблағи, 46,8 млрд.сўм банк кредити, 0,5 млн. АҚШ доллар хорижий инвестициялар) инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 850 та янги иш ўринлари яратилган. 2020 йил январ-май ойларида 39,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.[11] Маъмурий кенгашининг 2020 йил 29 январдаги 31-сонли баёнига асосан Яккасарой кичик саноат зонаси Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳасига мувофиқ реконструкция қилиниши режалаштирилаётганлиги сабабли шаҳар кичик саноат зоналари ҳудудларидаги, бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари Яккасарой кичик саноат зонаси ижарачи-ишлаб чиқарувчиларини жойлаштириш учун захирага олиниши ҳамда Яккасарой кичик саноат зонасида бўш турган ишлаб чиқариш майдонларини ижарага бериш вақтинчалик тўхтатилиши белгиланган. Мазкур ҳужжат нафақат КСЗ имтиёзларидан фойдаланиб келаётган тадбиркорлар, балки қулай ва арзон ишлаб чиқариш майдонига эга бўлмаган корхоналар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. Биргина КСЗда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун Кафолат жамғармасининг таъсис этилиши кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бир неча бараварга оширади [13].

**2-расм.**

**2021 йил январ-июнь ойларида КСЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари [12]**



Аммо ҳар бир нарсанинг фойдали ва зарарли томонлари бўлгани каби имтиёз беришнинг ҳам ўзига яраша салбий тарафлари мавжуд. Имтиёзларга таяниб қолган корхона ўз рақобатбардошлигини ёқотади ва ҳатто ички бозорда ҳам ўз ўрнини топа олмай қолади. Бу худди ота-она қарамоғида яшаб мустақил ҳаётга қадам қўйганда қийналиб қолиши мумкин бўлган фарзандга ўхшайди. Шу боис, корхоналарга берилаётган солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланмаслик, маблағлардан тўғри фойдаланишни билмаслик ва корхоналар томонидан олинаётган солиқ имтиёзлари салбий оқибатларга сабабчи бўлишини таъкидлаб ўтиш лозим, яъни:

- солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга тўлиқ эришмаслиги;

- солиқ имтиёзларига эга бўлган корхоналар ривожланишга бўлган интилишини йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

- солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштириб коррупцияга имкон яратиши мумкин;

Шундай экан солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари излаб топиш, уларни керакли ўринларда, зарур ҳолатларда қўллаш ҳозирги давр солиқ маъмурчилигининг олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари солиқлар ва солиққа тортиш тўғрисидаги назарий таълимотлардан бизга маълумки: “Солиқ юкининг ошириб кетиши бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келмайди. Чунки, солиқлардан шаклланаётган даромадлар ҳажмининг кўпайиши солиққа тортиладиган базанинг ўсиши билан пропорционал бўлгани каби, солиқ ставкасининг ўсишига пропорционал бўлмайди” [8].

### МУҲОКАМА

Демак, солиқ ставкаларининг ўсиши фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат бюджети даромадларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқаришнинг солиққа тортиладиган қисмини қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегарадан ўтилса, солиқ ставкасининг ўсиши бюджет даромадларининг ўсишига эмас, балки қисқаришига олиб келади. Солиқ юки кўтарилгани сари хўжалик юритувчи субъектлар ўз даромадларини ҳимоя қилиш йўлига ўтишади ва натижада яширин иктисодиётнинг ривожланишига, солиқ қонунчилигини бузилишига мойиллик ортиб боради. Хўжалик юритувчи субъектларга берилган имтиёзлар, шубҳасиз бюджет

даромадлари учун тўғридан-тўғри йўқотишдир. Айрим корхоналар иккиламчи бухгалтерия ҳисобини юритиб, солиқдан қочишга уринишлари ҳам мана шундан деб тахмин қилишимиз мумкин. Бизнингча, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида солиқ муносабатларида унинг иштирок этувчи субъектларининг манфаатлари ҳисобга олиниши шарт, яъни солиқларнинг рағбатлантирувчи омилларидан устувор фойдаланиш ва ўз вазифасига транспорент тарзда ёндашиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Солиқ имтиёзлари ва преференцияларни такомиллаштириш масалалари юзасидан мавжуд солиқ имтиёзларининг самарасизларини бекор қилиш ўрнига, янги ва самаралироқ солиқ имтиёзларини жорий этиш, жорий этилган имтиёзлар эвазига хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолаётган маблағларни қайта ишлаб чиқариш жараёнларига сафарбар этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида юқори инноватсион техника-технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида имтиёз ҳисобидан қолдирилган пул маблағларидан самарали фойдаланиш жараёнини назорат қилишни янада кучайтириш, солиқ имтиёзларига доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мувофиқлигини таъминлаш кабилар бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади.[14]

## ХУЛОСА

Илмий изланиш жараёнида солиқлар ва солиққа тортиш масалалари ва корхона-ташқилотлар фаолиятининг янада ривожлантириш борасида чора тадбирлар кўриб чиқилди ва Ўзбекистондаги жорий сиёсат юзасидан қуйидаги таклифларнинг қўлланилиши солиқлар ва солиққа тортиш соҳасида ўз самарасини бериши кўзда тутилмоқда:

- солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш тартибини масофадан назорат қилиш мақсадида солиқ тўловчилар ҳар бир фойдаланган солиқ имтиёзидан қандай мақсадда фойдаланаётганликлари тўғрисида алоҳида ҳисобот шакллантириб, ҳар чоракда ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилишини жорий қилиш;

- янги ташқил этилган корхоналарга нисбатан улар давлат руйхатидан ўтган кундан эътиборан муайян муддатга Солиқ имтиёзларини қўллаш. Шунингдек жорий этилган Солиқ имтиёзлари дастлабки 2 йилликни ўз ичига қамраб олиши ва кейинги йилларда узайтирилмасилиги лозим, лекин маълум бир муддат фаолият юритиш шarti билан масалан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда фаолият юритишини талаб қилган ҳолда қўлланилиши, акс ҳолда фойдаланилган имтиёз суммаси тўлиқлигича бюджетга ундириб олиниши назарда тутилмоғи лозим. Ушбу тартибни асосан кичик бизнес субъектларига нисбатан қўллаш корхоналарнинг барқарор фаолият юритган ҳолда бозор иқтисодиёти қонунларига мослашиши, сўнг бошқа турдаги корхоналар билан бемалол рақобатлаша олиши учун қулай замин яратади;

- электрон тижорат тизимини янада ривожлантириш мақсадида, интернет бозорлари орқали товарларни сотганда сотув ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 3 фоиз пасайтирилган ставка буйича фойда солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлаш тизимини жорий этиш.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 24. 01.2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси: расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т. : «Адолат», 2015 й 428 бет
3. Вахабов А., Хажибакиев Ш., Муминов Н. (2010) Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 180-бет
4. Зименков, Р. И. (2005) Особые экономические зоны / Р. И. Зименков. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 224 с.
5. Александров И.М. (2007) Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб. И доп.– Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». 314 с.
6. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: NORMA. 184- бет..
7. Ваҳобов А. А. Жўраев. (2009) “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарслик Т.:– й. 68 б.
8. Абдурахмонов О. ва бошқ. (2005) Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрийийлик, «Академия» ва «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти». Т.: - 9-б.
9. Басенко А.М. (2002) Функции свободных экономических зон в механизме интеграции национальной экономики в систему мирохозяйственных связей : диссертация ... доктора экономических наук : 08.00.14. - Ростов-на-Дону. - 341 с.
10. Каримкулов Ж.И. (2019) Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари, 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит», Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация, Тошкент, 244 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қумитаси хар йилги ахборотнома маълумотлари.
12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Гулом нашриёт уйи.- 640 б
13. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти – <https://stat.uz>
14. Abdukakhorov B.U. (2022) “The Impact of Tax Benefits on the Improvement of Special Economic Zones”, CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES, 3(6), pp. 371-376. Available at: <https://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/666>
15. Abdukakhorov B.U. (2022) “SPECIAL ECONOMIC ZONES AS A FACTOR OF REGIONAL DEVELOPMENT”, Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(4), pp. 613–616. Available at: <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/2331>
16. Abdukakhorov B.U. and Karimkulov J. I. (2022) “Development of Special Economic Zones in the Context of the Digital Economy”, European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 7, pp. 353–359. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/611>
17. Абдукахоров Б.У. (2022) Повышение инвестиционной привлекательности экономических регионов узбекистана и улучшение условий для привлечения иностранных инвестиций, Студенческий вестник: электрон. научн. Журн, № 14(206). URL: <https://studvestnik.ru/journal/stud/herald/206>
18. Абдукахоров Б.У., (2022) РОЛЬ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАН G7, Экономика и социум, №4(95) URL: [https://www.iupr.ru/\\_files/ugd/b06fdc\\_891644f403cd434e895978f77fb3190e.pdf?index=true](https://www.iupr.ru/_files/ugd/b06fdc_891644f403cd434e895978f77fb3190e.pdf?index=true)